

ЭКОЛОГИК ПАРТИЯ – ЯШИЛ КЕЛАЖАК УЧУН

Бир неча кундан кейин Ўзбекистон халқи мамлакатнинг келажагдаги ривожланишини белгилайдиган энг муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этади. Ўзбекистон Экологик партияси илк бор ўз номзодини мазкур сайловда кўрсатди.

Ўтган сайловлардан буён мамлакатимизда қонунчилик базаси — сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Республиканинг Сайлов кодекси халқаро стандартларга тўлиқ мослаштирилди. Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) тавсияларига асосланиб ишлаб чиқилган «Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.



эга эканлигининг ёрқин далилларидан бири, уларда чет элда яшовчи Ўзбекистон фуқаролари ҳам қатнашиши мумкинлигидир. Улар дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик реестрида рўйхатдан ўтгани ёки йўқлигидан қатъи назар, овоз беришлари мумкин. Бундан ташқари, биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари сметаси оммага тақдим этилди. Сайлов комиссиялари устидан такроран шикоят келиб тушмаслиги ва улар бир-бирига қарама-қарши қарорлар қабул қилишига йўл қўймаслик учун сайлов комиссиялари харажатлари ва қарорлари устидан шикоятларни фақат судлар томонидан кўриб чиқиш амалиёти жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тарихда биринчи марта Ўзбекистон Экологик партияси ҳам иштирок этмоқдаки, бу мамлакатда сиёсий фаоллик ошганлигидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш келгусида ривожланишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътироф этилаётганидан далolat беради.

Ўзбекистон Экологик партияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда, турли кампаниялар ва тадбирларда фаол иштирок этади, экологик ва санитария меъёрларининг бузилиши тўғрисида аҳолидан тушган шикоятлар бўйича рейдлар ўтказишда, жамиятда экологик билим даражасини ошириш юзасидан изчил иш олиб боради ва жамоатчилик экологик назоратини амалга оширади.

Партиянинг Сайловдаги дастури «Биз келажак учун жавобгармиз!» шiori остида бўлиб, дастур етти йўналишдан ташкил топган. Асосий мақсад иқтисодийнинг барча соҳасида «яшил ривожланиш» тамойилларини кенг жорий этиш орқали экологик барқарорликни ва табиий ресурс-

лардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, ҳозирги ва келажак авлодлар учун муносиб яшаш шароитларини яратишдан иборат.

Ўзбекистон Экологик партиясидан кўрсатилган номзоднинг Сайловдаги дастури партиянинг номи ва фаолиятини тўлиқ акс эттиради. Яъни бу «яшил иқтисодиёт»га, чиқиндиларни қайта ишлашга эътиборни кучайтириш, иқлим ўзгаришига мослашиш, табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш, Орол денгизидagi экологик фожианинг оқибатларини камайтириш, атмосферага зарарли чиқиндиларни камайтириш, табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш, аҳоли ўртасида экологик маданиятни ошириш, экологик муаммоларни ҳал қилишда хорижий ҳамкорлар билан муносабатларни яхшилашга қаратилган сиёсатдир.

Экологик партиядан кўрсатилган номзод Нарзулло Обломуродовнинг Сайловдаги дастурининг асосий мезонлари ҳақида қисқача тўхталганда қуйидаги жиҳатларни алоҳида эътироф этиш зарур.

Биринчи навбатда, «яшил иқтисодиёт»-ни кенг татбиқ этиш орқали фуқароларнинг қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини таъминлашдир. Бу ўринда машиини ва санават чиқиндилари билан ишлашни тартибга солиш муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун партия фаоллари Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунини янги тахрирда қабул қилишни зарур деб ҳисоблайди.

«Бизнинг муқаддас бурчимиз — она табиатни ҳимоя қилиш!» шiori остида партия аҳоли учун қулай яшаш шароитларини яратиш, кишлоқ хўжалигига «ақлли технология»ларни жорий этиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича барча чорани кўришни режалаштирган. Партиянинг стратегик мақсади ҳаёт учун

энг муҳим омил бўлган атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва унинг сифат кўрсаткичлари экологик стандартларга мувофиқлигини таъминлаш бўлиб қолаверади.

Ер ресурслари аҳоли фаровонлигининг асосий бойлиги бўлиб, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини белгилайди. Суғориладиган ҳамда лалми ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш мамлакатнинг бугуни ва келажаги учун энг муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли, Экспартия «Ер элни боқади» тамойилига асосланиб, ер ресурсларини муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича аниқ лойиҳаларни амалга оширади.

Сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш, сув истеъмол қилиш маданиятини ошириш ва сувга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш жамиятимизда энг муҳим устувор вазифалардан биридир. Бунга эришиш учун экинларни суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш кўзда тутилган.

Охириги йилларда Ўзбекистонда Оролбўйи ҳудудидаги экологик вазиятни яхшилаш бўйича қўламли ишлар давом эттирилмоқда. Маълумки, кейинги 5 йилда Харакатлар стратегиясига мувофиқ Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий муаммоларни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар натижасида ушбу ҳудудда том маънода бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Хусусан, 2018 — 2021 йилларда 1 миллион 700 минг гектар ерга саксовул ва бошқа чўл шароитига чидамли ўсимликларнинг экилиши Оролнинг қуриган тубидан кўтарилаётган кум, чанг ва тўзонларни ушлаб қолишга хизмат қилмоқда. Ваҳолянки, Орол ҳар доим термо регулятор бўлиб хизмат қилган. Ўзда салқин бўлган, қишда Орол сувидан кўтарилган илиқ ҳарорат Турон пасттекстлигидан кириб келадиган Сибир шамолларини

бирмунча мўътадиллаштирган ва иликлаштирган.

Қолаверса, ҳудуднинг яшилликка бурканиши ўз-ўзидан минтақа экотизимини яхшилашга, ҳайвонот ва ўсимлик оламиининг яна жонланишига хизмат қилмоқда.

Партия Орол денгизи ҳалокати оқибатларини юмшатишга қаратилган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш орқали Орол денгизи минтақасининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга, аҳолининг турмуш шароитини кейинчалик ҳам юксалтиришга хизмат қиладиган ишларни изчиллик билан билан давом эттиришни режалаштирган.

Айни вақтда сайловдаги кампанияси кизгин давом этмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудида номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари билан учрашувлар авж палласида. Энг муҳими, сайловдаги учрашувлар давомида сайловчилар томонидан кўплаб фикр мулоҳазалар, таклифлар ўртага ташланмоқда. Атроф-муҳитни асраб-авайлаш, ўзлари дуч келадиган турли экологик муаммоларни бартараф этишда фаол қатнашиш истагини ҳам билдиришмоқда.

Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон, Булунгур, Жомбой, Ургут ва бошқа шаҳар ҳамда туманларда Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Нарзулло Обломуродовнинг вилоятдаги ишончли вакили сайловчилар билан учрашганда ҳам қатор таклифлар билдирилди.

Буларнинг барчаси Экологик партия томонидан илгари сурилаётган саволлар ва таклифлар конструктив хусусиятга эгалигидан далolat беради. Экологик партиядан кўрсатилган номзод Н. Обломуродов ишончли вакилларининг сайловчилар билан учрашувлари кизгин кечмоқда. Партия томонидан ташкил этилаётган тадбирларда фуқароларимизни фаол қатнашишга чорлаймиз.

ЯШИЛ ҲУДУДЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ВА КўПАЙТИРИШ ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ МЕЗОНИГА АЙЛАНИШИ ЗАРУР

Яшил ҳудудлар масаласи биз учун нафақат экологик, ижтимоий-сиёсий вазифа, балки асрлар давомида ажоддан-авлодга ўтиб келган маънавий-ахлоқий таомил ҳамдир.

Халқимиз янги барпо этган ҳовлисига, аввало, яхши ният билан кўчат ўтказади. Фарзандларига атаб дарахт экади. Барқ уриб ўсиб турган дарахтни беҳуда йўқ қилишни ўзига эп кўрмайди. Йиллар давомида бунёд бўлган бир дарахтни кесиб ташлаш осон, лекин яна худди шундай ниҳол кўкартириш учун бир неча йил заҳмат чекилишини яхши билади. Ҳам серҳосил меваси, ҳам соя-салқини, ҳам ҳавони тозалашдаги ҳиссаси учун ҳар бир дарахт, ҳар бир яшилликка алоҳида муносабат кўрсатилади. Бу халқимизнинг минг йиллик тутумларида акс этган бобомерос турмуш тарзи сифатида қаралади. Уни ҳар бир фарзанд ўз оиласида катталардан, ота-бобосидан кўриб ўрганиб боради.

Афсуски, кейинги пайтларда ана шу одат ва аъёнлар бир қадар эътибордан четда қолди. Дарахтлар, айниқса, шаҳар қиёфаси учун жуда муҳим омидир. У ерда завод-

фабрикалардан ҳавога кўтарилаётган заҳарли газлар, транспорт воситаларининг тутини, машиини ва санават чиқиндисидан пайдо бўлаётган газлар атмосферага таъсир етказиши табиий. Барпо этилган яшил ҳудудлар эса шаҳарга кўрк бағишлаб туриш билан бирга, аҳоли учун катта миқдордаги килород манбаи ҳамдир.

Мораторий эълон қилиниши ҳамда муддатининг узайтирилиши ҳам яшил ҳудуд масаласи давлатнинг муҳим эътиборида турганини кўрсатади. Аҳамиятлиси, она табиатга зиён етказиб, дарахтларни ноқонуний тарзда кесганлик учун жавобгарлигининг белгиланиши яшил ҳудудларни қонуний ҳимоя қилиш механизми сифатида қаралади.

Шу ўринда Ўзбекистон Экологик партияси яшил ҳудудларни сақлаб қолиш, асраб-авайлаш ҳамда кўпайтириш борасида изчил фаолиятни амалга оширишда давом этади. Барча юрдошларимизни бундай ишда камарбаста бўлишга чақиради.

Камол ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Сайловчилар фикри

Саодат НАРЗИҚУЛОВА,
Самарқанд шаҳар 2-оилавий поликлинак бош шифокори ўринбосари:

— Мен шифокор сифатида шунини алоҳида белгилаб ўтишим мумкинки, дастурда соғлом турмуш тарзининг ҳаётга кенг татбиқ этилиши ва оммавий спорт турлари янада ривожлантирилиши, соғлом овқатланиш маданиятини жорий этиш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилишига катта аҳамият қаратилган. Айниқса, рақамли тиббиётнинг асосий инфратузилмасини яратиш, тиббиёт соҳасининг моддий-техника базасини кучайтириши айтилмоқда.

Айни шу долзарб масалалар туфайли мен Экологик партиядан кўрсатилган номзодни кўллаб-қувватлайман.

Улугбек Хўжаҳмедов,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси:

— Мўינוқда ҳар хил ноёб турларни кўпайтириш ва экологик барқарорликни тиклаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш орқали хорижликлар ташрифини кўпайтиришимиз ва бу йўл билан экотуризмни ҳам ривожлантиришимиз мумкин.

Шунингдек, дастурда экологик таълимга алоҳида эътибор қаратилиши келажак учун жуда муҳим деб ўйлайман.

Мен сайловда муносиб номзодга овоз берарман.



Тўраҳон Ҳошимов,
Самарқанд вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи:

— Ҳозирги даврдаги атроф-муҳит ва табиат, экотизимларни сақлаб қолиш билан боғлиқ долзарб муаммолар экологияга эътибор ҳар қачонгидан-да кучайтирилиши зарурлигини билдиради.

Номзоднинг Сайловдаги дастурида илгари сурилган муҳим йўналишларни амалга оширишга барчамиз бирдек масъулмиз.





2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши парламент нигоҳида

Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сисъати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси.



Инсоният тарихида юз берган ренессанслар, энг аввало, bilim ва ахборот ролининг ошиши билан тавсифланади. Айна ренессанслар даврида коммуникация алмашувининг сони ва кўрсаткичлари кучайган. Зеро, ахборот соҳасининг ҳолати жамиятнинг маданий-цивилизация ривожланиши учун тайёрлик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу сабабли биз сўнгги беш йил ичида миллий ахборот соҳасининг жадал ривожланишини мамнуният билан қайд этамиз. Бу янги юқори технологияли хизматларни пайдо бўлишига замин яратиш боробарида, барча соҳа, бошқарува ва тижорат учун ўзига хос локомотив бўлиб хизмат қилади.

Айни глобаллашув даврида ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимиздан тобора кенг ўрин эгаллаб бормоқда. Бугун ахборот технологиялари кириб бормаган соҳа қолмади. Қайси бир жабҳани олмайлик, қулайлик, ошқоралик ва тезкорлик бодаида замонавий ахборот технологиялари янгилаштирилган мўҳим омилга айланиб бораётди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг жорий этилиши сўнгги йилларда мамлакатимиздаги давлат ва жамият қурилиши тизимини ислох қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий соҳани ривожлантириш ҳамда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сисъат соҳасида чуқур таҳлил қилинган прагматик сисъатни олиб боришига имконият берди.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинаётган давлат дастурлари асосида барча соҳа қатори ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш борасида ҳам демократик тамойилларга асосланган ҳамда замон талабларига мос қатор ишловлар амалга ошириб келинмоқда. Утган давр мубайнида мазкур йўналишни

тартибга солувчи бир қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги, "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Почта алоқаси тўғрисида"ги, "Электрон ҳукумат" тизими тақомиллаштирилди. Шунинг баробарида, ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашга қаратилган "Электрон парламент" тизими ишга туширилди. Натижада бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари қонун ижодкорлиги ҳамда муносабатлар билан ишлаш тизимида самарали фойдаланиб келмоқда.

Аҳоли ва тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида етакчи хорижий тўлов тизимлари билан интеграциялашган замонавий чакана тўлов тизимларини жорий этиш орқали етакчи хорижий тўлов тизимлари ("Visa", "Mastercard", "Union Pay", "PayPal" ва бошқалар) билан интеграциялашган замонавий чакана тўлов тизимлари ишга туширилди. Бу, ўз навбатида, фуқароларимизнинг халқро даражада чакана савдо транзитларини амалга ошириши учун қулай имкониятлар яратди. Шунингдек, фуқароларга пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилаш "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий аппарати ишга туширилди.

Албатта, кейинги йилларда соҳа олиб борилаётган ишловлар ўз самарасини бермоқда. Шу давр ичида аҳолига ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатиш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Биргина телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишига эътибор қаратадиган бўлса, халқаро интернет тармоғига уланшининг умумий ўтказувчанлик қобилияти 1 200 Гбит/с.га етказилди. Халқаро интернет канали нарҳлари қарийб ўн баравар арзонлашди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ҳаракатлар стратегиясининг жорий этилиши утган беш йилда мамлакатимизда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, давлатимизнинг иқтисодий-ижтимоий, сисъий ҳаётида юқори натижаларга эришишига замин яратди. Айниқса, Ҳаракатлар стратегияси доирасида ахборот-коммуникацияларнинг кенг жорий этилиши янги Ўзбекистон ҳамда унчинчи Ренессанс пойдеворининг мўҳим омилларидан бўлиб хизмат қилаётди.



ҲАР БИР БОЛАНING MANFAATI BIZ UCHUN USTUVOR

Масалан, 2018 — 2020 йилларда васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан қарийб 13 минг бола васийликка, 4 минг 300 га яқини ҳомийликка, 405 нафари оилалар тарбиясига, 6 минг 697 нафари фарзандликка берилган. Шу даврда патронатга берилган болалар сони 2018 йилдагига нисбатан 301 нафарга ошган. Меҳрибонлик уйларига жойлаштирилган болалар эса 47 фоизга камайганини қузатиш мумкин.

ҳисобига бундай муассасаларда тарбияланувчиларни бошқичма-бошқич фарзандликка, васийликка оладиган оилаларда тарбиялашга ўтказиш чораларини қўриш; • болаларнинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлиши сабабини ўрганиш ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш.

қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий соҳани ривожлантириш ҳамда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сисъат соҳасида чуқур таҳлил қилинган прагматик сисъатни олиб боришига имконият берди.

қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий соҳани ривожлантириш ҳамда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сисъат соҳасида чуқур таҳлил қилинган прагматик сисъатни олиб боришига имконият берди.

қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий соҳани ривожлантириш ҳамда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сисъат соҳасида чуқур таҳлил қилинган прагматик сисъатни олиб боришига имконият берди.

СЕНАТОРЛАР ХАЛҚҚА ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА

Хабарингиз бор, сенаторлар жойларда бўлиб, Олий Мажлис Сенати ўн тўққизинчи ялпи мажлисида кўрилган масалаларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, дастур ва ҳужжатлар ижросини ўрганиш баробарида, пахта йиғим-теримида иштирок этаётган юртдошларимиз билан учрашмоқда.

Анджон вилояти ҳокимлигида Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган қонунлар ҳамда қабул қилинган қарорлар мазмун-моҳиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Халқ депутатлари туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгаши раислари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этиб ўтказилган тадбирда Сенатнинг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимов иштирок этди.

Кўни кеча Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси Б. Тожиев пахта дала-ларига бориб, теримчилар хolidан хабар олди. Урганч туманида пахта йиғим-терими қизгин паллага кирган. "Ислоом Саъдуллоев" фермер ҳўжалиги далаларида пахта терими ҳашари бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, Кеғейли туманида 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумида жами 825 минг донга иқлимга мос манзарали ва мевали дарахт қўчатлари экилиши режалаштирилган бўлиб, жами 40 — 50 км. масофада қўқаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш учун ер майдонлари тайёрланган. Шундан 15 км. масофада қайрағоч, шумтол, катальпа, софора каби дарахт қўчатлари экилган.

Бу ҳужжатда Олий Мажлис Сенати ҳам тегишли вазирлик ва идоралар билан бирга комплекс чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тасвсия этилган. Улар қўйилган иборат:

қўйилган иборат:

қўйилган иборат:

қўйилган иборат:

қўйилган иборат:

АҚШ КОНГРЕССМЕНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исмаилов Эргашев 11 октябрь кун Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси Ташқи ишлар қўмитаси раиси Грегори Микс бошчилигидаги делегация билан учрашди.

ҚўМИТА АЪЗОЛАРИ ВАЗИРЛИКЛАРNING ХИСОБОТИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАДИ?

Қўмиита эшитишда Ўзбекистон Республикасининг Жанубий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва туризм йўналишларида, хусусан, кириш-чиқиш визалари берилишидаги тартиб-таомилларни соддалаштириш масалалари бўйича Ташқи ишлар вазирлигининг ҳамда маданий-гуманитар, туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ва истиқболдаги режалар юзасидан Туризм ва спорт вазирлигининг ҳисоботлари эшитилди.

лиги ўртасида туризм масалалари бўйича Англашув меморандумини имзолаш мақсада мувофиқдор.

нинг Жанубий ва Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ҳиндистон, Индонезия, Бангладеш, Покистон давлатлари ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, туризм, спорт, транспорт ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати кенг таҳлил қилинди.

